Ватанни севмак иймонданлур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 14 сентябрь, пайшанба. №113 (21.876). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 сентябрь куни Япония-Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлиги бўйича қўмита раиси, «Мицуи» компанияси президенти Наохико Кумагаи бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

— Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқалар ривожи янги босқичга кўтарилмоқда, — деди Ислом Каримов. — Иқтисодий ҳамкорлик бўйича мазкур қўмита аъзолари нафақат хусусий фирмалар, балки ҳукумат идоралари вакилларидан ҳам иборат экани фикримнинг исботидир. Қолаверса, Япония тадбиркорларидан иборат бундай йирик делегациянинг илк бор Ўзбекистонга ташрифи ҳар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада равнақ топтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари меҳмонларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни, хусусан, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароит ва жаҳон талаблари даражасидаги кафолатлар ҳақида сўзлаб берди. Президент Ислом Каримов япониялик тадбиркорлар диққатини ҳамкорлик учун қулай имкониятлар мавжуд бўлган коммуникация, транспорт, қишлоқ хўжалиги, пахтани қайта ишлаш соҳаларига қаратди.

СУРАТДА: компания президенти Клаус Якобс раҳбарлигидаги гуруҳни қабул қилиш пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Наохико Кумагаи Япония ҳукумати ва тадбиркорлари Ўзбекистондаги ижобий ўзгаришларни доимий равишда кузатиб келаётганини айтиб, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар яхши самара бера бошлаганини таъкидлади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги қулай жойлашуви ва кенг иқтисодий имкониятлари ҳамкорлигимиз учун мустаҳкам замин бўлади, деди у.

Суҳбат давомида турли соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда ҳамкорликка кенг уфқ очувчи ахборот алмашиш соҳасини яхшилаш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Ў. Султонов, Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Қабул чоғида Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Укэру Магосаки ҳозир бўлди.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 сентябрь куни Швейцариянинг «Ван хойтен энд калибо» компаниялари гуруҳи президенти Клаус Якобс бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Швейцария ўртасидаги алоқалар яхши ривожланаётганини таъкидлади. Европада таниқли «Ван хойтен» компанияларининг ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлиги уларнинг бутун Марказий Осиё бозорида ҳам шуҳрат қозонишига имкон яратади, деди Президент Ислом Каримов.

Клаус Якобс қандолат маҳсулотлари, турли хил ширинликлар ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасини ташкил этиш йўлидаги ҳаракатлар Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган ҳар томонлама қулай шароит туфайли амалий натижалар бера бошлаганини таъкидлади.

Самимий суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Ў. Султонов, М. Усмонов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди

(ЎзА).

ҚУТЛУҒ ТЎЙ МУБОРАК БЎЛСИН, ТошДУ!

Ўзбекистонда эртага яна тўй бошланяпти. Туркистонда энг йирик маърифат ўчоқларидан бири ҳисобланган Тошкент Давлат университети ўзининг қутлуғ 75 йиллигини нишонлаётир.

Ўтган ана шу йилларнинг ҳар лаҳзаларида минглаб, миллионлаб инсонларнинг тақдирлари, кечмишлари ётибди. 20-йилларнинг суронли воқеалари, 30-йилларнинг даҳшатли қирғинларию уруш пайтларидаги сўнгсиз йўқотишлар ва бугунги қуёшли кунлар — Истиқлол замонигача босиб ўтилган йўлларга назар солинса... Қалин-қалин китоблар, ўчмас хотиралар дунёга келади.

Ўтган 75 йил орасида ТошДУ ўзининг мўъжазгина аудитория ёхуд митти кафедраларида бошланган турли хил илмий ва амалий тадқиқотлари билан жаҳон фанига улкан ҳисса қўшди. Бугун Ўзбекистон довруғини оламга ёяётган машҳур шоиру ёзувчилар, олиму фузалолар ўзларининг илк сабоқларини худди мана шу дорилфунунда бошлаганлар.

Шу ўринда биз — «Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси ҳам қадрдон университетимизнинг муборак тўйи шарафига кичкинагина тўёна тайёрладик.

(ТошДУнинг 75 йиллигига бағишланган материалларни газетамизнинг 3-саҳифасида ўқийсиз).

Партия ва ҳаёт

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Гулистонда Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят партия ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳоли истиқомат жойларида партиявий ишларни кучайтириш ҳамда яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Олий Мажлиси учинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Биз қуриш, яратиш йўлидан бораверамиз» мавзуида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар кўриб чиқилди. Бу ҳақда вилоят партия кенгаши биринчи котиби Т. Исмоилов маъруза қилди.

Пленумда Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари С. Усмонов, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Мафкуравий ишлар бўлими мудири С. Қурбонов сўзга чиқдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленум иштирокчилари партиямизнинг вилоятдаги барча аъзолари ва меҳнаткашларига мурожаат қабул қилиб, уларни пахта йиғим-теримида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚУВОНЧЛИ ҚЎНҒИРОҚ

Кеча Бешариқ туман ҳокимлигидан Мухторжон Акбаров таҳририятимизга қувончли хушхабар билан қўнғироқ қилиб қолди...

Тумандаги «Рабқон» жамоа хўжалигидан партиямиз аъзоси Алиназар Нишонов бошлиқ бригада жамоаси Бешариқда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режани бажарганлиги ҳақида ғалаба рапортига имзо чекибди. Мавжуд 35 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31,7 центнердан ҳосил олинган. Териб олинган пахтанинг 103 тоннаси уруғликка топширилган.

Бригада аҳли далалардаги ҳосилни чамалаб чиқиб, ҳосилдорликни мавсум охиригача 50 центнерга етказишга аҳд қилишибди.

Бу муваффақиятлар йўлида ҳорманг, пахтакорлар!

Э. ЭСИРГАДИЕВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

АНЪАНАВИЙ АНЖУМАН

ОТТАВА. Канадада мамлакат ташқи сиёсатидаги муаммоларни муҳокама қилиш мақсадида иккинчи миллий анжуман ўз ишини бошлади. Бу анжуман Канадада ҳар йили ўтказилади.

Унда Канада Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, йирик сиёсат ва жамоат арбоблари, дипломатлар ва олимлар иштирок этмоқда.

ПОКИСТОННИНГ ТАЛАБИ

ИСЛОМОБОД. Покистон ҳукумати ўтган ҳафтада мамлакатнинг Қобулдаги элчихонасига экстремистлар қилган ҳужум учун Афғонистон ҳукуматининг узр сўрашини ва кўрилган зарар учун моддий ёрдам берилишини талаб қилмоқда.

Покистон ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Асиф Аҳмад Али Афғонистон ҳукумати ушбу талабни бажармаса, икки мамлакат ўртасида мавжуд муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини таъкидлади.

НОШИРЛАР НОРОЗИЛИГИ

РАБОТ. Жазоирда уч кун давомида ҳеч қандай газета нашр этилмайди, деб хабар беради РАТА—ТАСС ахборот маҳкамаси. Газета ноширлари уюшмаси мамлакатда журналистларнинг ўлдирилаётганига қатъий норозилик сифатида шундай қарор қабул қилди.

Маълумотларга қараганда, ўтган етти кун давомида 5 нафар журналист ўлдирилган. Бу ишда мамлакатдаги қуролли гуруҳ жангчилари қули бор, деб айтилмоқда.

ОВОЗАЛАР АСОССИЗ БЎЛИБ ЧИҚДИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукумати икки ой муқаддам Кашмирдаги «Ал-Юрон» қўпорувчилар гуруҳи қўлга олган ва ҳозирги кунгача уларнинг қўлида гаровга ушлаб турилган хорижий фуқароларни озод қилиш учун ҳарбий операция ўтказилиши ҳақидаги овозаларнинг асоссизлиги тўғрисида баёнот берди.

Ҳиндистон ҳукумати расмий вакилининг таъкидлашича, гарчанд гаровдаги хорижий фуқароларнинг ҳаёти хавф остида турган бўлсада, мамлакат армияси ҳам, хавфсизлик кучлари ҳам уларни куч билан озод қилишни мўлжаллаётгани йўқ.

ЖАНГАРИЛАР ТОР-МОР ҚИЛИНДИ

НИКОСИЯ. Турк жангчиларининг махсус бўлинмаси Хакяри вилоятида тақиқланган Курд ишчилар партияси жангариларига қарши ҳужум уюштириб, уларни тор-мор қилди.

Маълумотларга қараганда, партиянинг қўлга тушган 18 нафар фаол аъзоларидан турли хилдаги ўқ отиш қуроллари ва ўқ-дорилар тортиб олинган.

ТОШҚИН ҚУРБОНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

ДЕҲЛИ. Кучли муссон ёмғирлари натижасида Ҳиндистоннинг шимолий штатларида юз берган сув тошқини қурбонлари сони кундан кунга кўпаймоқда.

РАТА—ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, бу табиий офат натижасида ҳаётдан кўз юмганларнинг сони ҳозиргача 780 нафарга етди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

«БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН АМАЛДА

Вазирлар Маҳкамасида зарар келтириб ишлаётган корхоналарнинг хўжалик-молиявий фаолиятини кўриб чиқиш ҳукумат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Уни комиссия раиси республика Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов бошқарди. Йиғилишда республика комиссиясининг аъзолари, зарар келтириб ишлаётган корхоналарнинг хўжалик-молиявий фаолиятини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияларининг раҳбарлари—Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар, банклар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 июлда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, тўловга ноқобил корхоналарга оид ҳужжатларни хўжалик судига тавсия этишнинг аҳволи, зарарни қоплаш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларнинг бажарилишига оид масалалар кўриб чиқилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти ислоҳотларни жадаллаштиришнинг муҳим босқичини бошидан кечираётир. Бу борада корхоналар ва муассасаларнинг молиявий барқарор фаолияти халқ хўжалиги учун катта аҳамият касб этади. Бу эса корхона ва ташкилотлардан бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда иш юритишни тақозо этмоқда. Бироқ ҳозирги пайтда баъзи раҳбарларнинг боқимандалик кайфиятидан халос бўлолмагани, бозор талаблари асосида фаолият юрита олмаслиги оқибатида бир қанча корхоналар ҳамон зарар кўриб ишламоқда.

Йиғилишда ана шундай ташкилот ва корхоналар хўжалик-молиявий фаолиятини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияларининг, вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда бундай корхоналарнинг иқтисодий ислоҳотлар ривожига тўсиқ бўлаётгани уқтирилди. Зарар кўриб ишлаш сабаблари — бу асосий фондлардан оқилона ва самарали фойдалана билмаслик, рақобатга бардош беролмайдиган, сифати паст маҳсулотларни ишлаб чиқариш натижасида уларнинг омборларда йиғилиб қолиши, маҳсулот таннархининг ошиб кетишига сабаб бўладиган ишлаб чиқариш ҳамда у билан боғлиқ бўлмаган сарф-харажатларнинг кўпайишидир.

Зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикасида, Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида кўпчиликни ташкил этади. Булар, асосан, «Ўзбексавдо», «Ўзбекенгилсаноат», «Маҳаллий саноат», «Ўзмаишийхизмат» уюшмалари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва кинофикация тизимидаги корхона ва ташкилотлардир.

Республика Олий хўжалик судининг раиси М. Абдусаломов хўжалик судларидаги ишлар натижалари ҳақида ҳисобот берди. Шу пайтгача 12 иш кўриб чиқилиб, 9 корхона банкрот деб эълон қилинди, 3 корхона санацияга тавсия этилди. (Қуйида ҳукумат комиссиясининг бу ҳақдаги ахбороти эълон қилинмоқда). Бугунги кунда 77 корхонага нисбатан банкротлик иши қўзғатилган.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг бекаму кўст бажарилишини таъминлаш инфляциянинг олдини олишда муҳим омил бўлиб, иқтисодиёт самарадорлигини ошириш, пировард натижада миллий валютамиз қудратини кўтаришга катта ҳисса қўшиши таъкидланди.

Ҳукумат комиссияси бу борадаги ишларни янада фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилади. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

ЗАРАР КЕЛТИРИБ ИШЛАЁТГАН КОРХОНАЛАРНИНГ ХЎЖАЛИК-МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

Қарздор корхоналар фаолиятини текшириш натижасида Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари 1995 йил 31 августга қўйидаги корхоналарни банкрот деб эълон қилди

I. Банкрот деб эълон қилинган корхоналар	Раҳбари
1. Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги «Ёшлик» жамоа савдо фирмаси	Р. РОЗИЕВ
2. Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги Қарши тижорат бирлашмаси	Р. ЛИ
3. Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги «Ғузор» кичик корхонаси	А. БЎРИЕВ
4. Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар саноат моллари савдоси бўлими	Р. КАРИМОВ
5. Сирдарё шаҳридаги «Тавхит» фирмаси	П. САРИБОЕВ
6. Сирдарё шаҳридаги «МХК» (Кўп тармоқли хўжалик жамоаси) фирмаси	Н. ИСЛОМОВ
7. Сирдарё туман тайёрлов-савдо корхонаси (РЗСП)	П. ХУДОЙБЕРДИЕВ
8. Сирдарё вилоятидаги Оқолтин туман тайёрлов-савдо корхонаси	М. ТУРАЕВ
9. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридаги «Истаравшон» кичик корхонаси	И. ИБРОҲИМОВ

II. Текшириб, ишини яхшилаш (санация) тавсия этилган корхоналар	раҳбари
1. Наманган шаҳридаги «Қабул» хусусий фирмаси	О. ҚАБУЛОВ
2. Сирдарё шаҳридаги «Меҳнат» акционерлик жамияти	А. НЕЪМАТОВ
3. Сирдарё вилоятидаги Мирзаобод туман тайёрлов-савдо корхонаси	А. ПРИМҚУЛОВ

КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Ҳамкорлик

ҲИНДИСТОН НАМОЙИШ ЭТАДИ

• ТОШКЕНТ (жамоатчи мухбиримиздан). Бугун «Ўзэкспомарказ»да Ҳиндистон савдо кўргазмаси очилди.

20 сентябрга қадар давом этадиган бу кўргазмани Ҳиндистоннинг «Индия тред-промошен организейшн», Ҳиндистоннинг Тошкентдаги элчихонаси, республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Ўзэкспомарказ» республика савдо-маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Мақсад Ҳиндистон компанияларининг турли маҳсулотларни халқимизга намойиш қилиш, ишбилармонлар билан алоқани ривожлантириш ва савдони ташкил этишдан иборат.

Кўргазмада Ҳиндистоннинг 60 га яқин етакчи компания ва фирмаси иштирок этмоқда. Бу ерда енгил ва юк машиналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, компрессорлар, насос ва химикатлар, кир ювиш воситалари, дори-дармон ва пластмасса маҳсулотлари, ип газлама, алоқа асбоб-ускуналари намойиш этилади. Кўргазма мамлакатларимиз ўртасидаги узаро иқтисодий алдоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

М. ИСМОИЛОВА.

Ишлаб чиқариш

АНДИЖОНЧА «АНКЛБЕНС»

• АНДИЖОН (мухбиримиздан). Ўзбекистон — Россия — Буюк Британия қўшма корхонасининг Андижон туманидаги Куйганёр томат пастаси заводида жаҳон андозаларига мос кетчуп ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхона раҳбари Миробид Маҳмудов завод ишга туширилган кезларда кетчуп ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишни кунглига туккан эди. У италиялик ҳамкорлар билан шартнома тузиб, Модена шаҳридан келтирилган техник линияни созлашга эришди. Ҳозир бу линияда соатига бир ярим минг дона идишда маҳсулот тайёрланмоқда. Бир марта фойдаланиладиган, қуринишдан анклбенсни эслатувчи, 250 граммли қилиб қадоқланган кетчуп дастурхонбоп булиб, ҳазмли таомдир.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

Ёғочсозлик

ШОВУЛЛАГАН ТЕРАКЗОРЛАР

• БУХОРО (мухбиримиздан). «Бухоро» жамоа хўжалигида қурилишбоп ёғочларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида 2 гектар майдонга терак қаламчалари ўтказишган эди.

— Ҳозир теракзорларимиз шовуллаб турибди, — дейди бошқарув раиси Улмас Раҳимов, — Қаламчаларни Андижон вилоятидан келтирганмиз. Алоҳида бригада тузилган. Ишлар шартнома асосида олиб борилмоқда.

11 кишилик бригаданинг меҳнати зое кетмади. Қарийб 40 минг туп теракнинг бўйи 2 метрга етган. Маълум бўлишича, аҳоли томорқаларида юз мингта терак бўй чўзиб турган экан. Беш йилдан кейин хўжалик ёғочга бўлган талабни ўзи қондирадиган бўлади. Йилига беш миллион сум фойда олиш мумкин экан. Бригада аъзолари теракзорни 10 гектарга етказишни кўзлашмоқда. Бунинг учун 100 минг туп қаламча тайёрланмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ.

Эгизаклар

ИККИ ЎҒИЛ, ИККИ ҚИЗ

• ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Шаҳардаги ёг-мой комбинати ишчиси Алишер Тошматовнинг рафиқаси — тўқимачилик комбинати ҳамшираси Матлубахон Мирсодиқова бир йўла тўрт фарзандли бўлди.

Бу оилага икки ўғил, икки қизнинг йиғиси қувонч келтирди. Эгизакларга доялик қилган акушер-гинеколог, медицина фанлари номзоди Раъно Юсупованинг таъкидлашича, эгизаклар соғлом, тиббиёт ходимлари назоратида турибди. Уларга бирқитилган ҳамшира яқиндан ёрдам бермоқда.

Алишер ИБОДИНОВ.

Ободончилик

«ҚЎЙЛИҚ» БОЗОРИ ҲАМ ГАВЖУМ

• ТОШКЕНТ (мухбиримиздан). Мамлакатимиз пойтахтининг бозорлари ҳақиқий шарқона гўзаллик ва бежиримлик касб этмоқда. Ҳозир «Олой», «Сиргали», «Бешёғоч» бозорлари қиёфасини таниш қийин. Шунга ўхшаш «Қўйлиқ» бозори ҳам гавжум ва харидорбон масканлардан бирига айланган.

«Қўйлиқ» бозоридаги эски савдо расталари ўрнида замонавий, жами 320 ўринли савдо расталари барпо этилди. Бозор шаҳобчаси ҳисобланган «Фаргона» (собиқ) «Рисовой» бозорига ҳам янгича тус берилди. Ободончилик ишларини шаҳар фуқаро қурилиши ҳиссадорлик жамияти азаматлари амалга оширдилар. 12 миллион сумлик иш бажарилди. Ҳозир «Қўйлиқ» бозорида яна икки қаватли универсал дўкон қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ.

Янги корхона

ТОМДИДА «АГАМА» ФИЛИАЛИ

Маълумки, Зарафшон шаҳридаги «Агама» қўшма корхонаси бугунги кунда жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Ана шундан бўлса керак ушбу корхона кенгайиб, жойларда унинг кўплаб бўлим ва филиаллари очилаяпти.

Яқинда олис Томди туманининг «Томдибулоқ» поселкасида ҳам қўшма корхона филиали ишга туширилди. Ундаги асбоб-ускуналарнинг деярли ҳаммаси Франциянинг «Пассар» фирмасидан келтирилди. Шуниси қувончлики, филиал ишга тушганидан буён қарийб 500 минг сумлик болалар ва катталар кийим-кечиклари ишлаб чиқарилди. Айни пайтда корхонада 50 нафар томдилик ёшлар меҳнат қилишяпти. Яқин орада улар сони икки бараварга ортади.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ХДП ташкил топганлигининг тўрт йиллиги олдидан

ҚАЛБЛАРГА ЙЎЛ ТОПИБ

СУҲБАТДОШИМИЗ ҲАҚИДА СЎЗ:
Матлуба АДИЗОВА асли Конимехдан. Бухоро дорилфунунида таҳсил олган. Илк меҳнат фаолиятини Карманадаги Нодира номли ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаб, туман ижроия қўмитаси ва партия қўмиталарида ишлаган. 1992 йил майидан бошлаб ЎзХДП Навоий тумани кенгашининг биринчи котиби. Оилалик, 3 та фарзанди бор. Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг депутати.

— Матлуба Қосимовна, сиз котиба сифатида фаолият кўрсатаётган Навоий туман партия кенгашининг сиёсий ташкилот сифатидаги нуфузи тобора ортиб бормоқда. Партиямиз ташкил топганлигининг тўрт йиллиги ҳам яқинлашмоқда. Хўш, ютуқлар омили нимада, деб ўйлайсиз?

— Назаримда нафақат бизнинг туман кенгашимиз, балки Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг обрўси йил сайин ошиб боряпти. Буни партиядошларимиз сафи кенгайиб бораётгани ёки сафлар жипслигидагина кўраётганимиз йўқ, албатта. Менимча, амалий ишларимиз, дастур асосидаги хатти-ҳаракатларимиз, истиқлол йўлидаги одилона мафкурамиз, халқимизда келажакка ишонч, қолаверса умидворлик ҳис-туйғусини уйғотмоқда.

Сиёсий ташкилот тарзида ўз йўлимизни танлаб олиб, одамлар қалбига кириб бораяпмиз. Худди шу қалбларга йўл топишлик ишимиз мезони, демакдир.

Биргина ўтган йилнинг ўзида ўнлаб у ёки бу кўринишдаги тадбирларни ўтказдик. Масалан, оила йилида «Энг яхши оила», «Энг китобхон оила», шунингдек, анъанавий миллий байрамимиз — Наврўз муносабати билан ўтказиладиган хайрия марафонлари, маҳаллалараро ва мактабларо кўрик танловлар, турли беллашувлар ана шулар жумласидандир. Зиёлилар, ёш ижодкорлар, байналмилал жангчилар билан давра суҳбатлари, ижодий кечалар ҳам фикримиз далилидир. Лекин ўрни келганда шуни ҳам қайд этиш жойизки, бу тадбирларнинг, хайрли ишларнинг бошида ҳамиша жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари туради.

— Дарҳақиқат, бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқариш жараёнлари, қўйингки, бунёдкорлик ва яратувчиликнинг қайноқ жойларидан ҳисобланади. Шундай экан, улар ҳақида ҳам қисқача тўхталсангиз?

— Бир сўз билан айтганда, бошланғич ташкилотлар кенгашимиз таянч нуқталари саналади. Ўтган сайловларда ҳам жойлардаги ана шу ташкилотлар кенгашимизга амалий ёрдам бериб, сайловларнинг тўла демократик тарзда ўтишига, ошкораликка асосланишига асосий омил бўлди. Айни пайтда кенгашимиз атрофига 51 та бошланғич партия ташкилотлари уюшган бўлиб, улар сафида 1235 нафар ХДП аъзоси бор. Айниқса, туман марказий касалхонаси, ипакчилик-уруғчилик заводи, Карманадаги водопровод тармоқлари идораси, «Маданият», «Хазора» жамоа хўжаликларида фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилотлари (котиблари — Ж. Аҳмедов, Н. Мухторова, Т. Тоғаев, Ш. Мардонов, Ж. Аҳмедов) иши таҳсинга лойиқ. Мазкур партия ташкилотлари ташаббус ва ташкилотчилик билан майдонга чиқиб-гина қолмай, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, иқтисодий ислоҳотларнинг қай тарзда амалга оширилиши билан ҳам жиддий шуғулланади.

Энг муҳими, бу ташкилотларда партияга қабул ҳам, бадаллар тушуми ҳам, кадрлар билан ишлаш ҳам рисоладагидек. Худди шу ва шунга ўхшаш бошланғич ташкилотлар кўмаги билан бултур 110 нафар ёшларни партияга қабул қилдик. Шу йилнинг ўтган даврида ҳам кўплаб эътиқодли, умидли ёшларга партия ҳужжатларини топширдик. Сафимизга биринчи бор холис ният, зўр ишонч ва эътиқод билан кириб келган С. Райимов, Б. Шомуродов, М. Ҳамидов, Т. Рўзиев, А. Юлдошев каби ёшлар билан чексиз фахрланамиз.

— Партияга қабул, партиядошлар сон ва сифатидаги ўзгаришлар борасида фикрлашдик. Энди партия фаоллари, фахрийлари фаолиятига ҳам оз бўлса-да, тўхталиб ўтсангиз?

— Тўғри, ЎзХДПнинг Низомида ҳам, амалий Дастурида ҳам партия фаоллари эъзозланган ва уларнинг тажрибаси синалган анъаналарини давом эттириш таъкидланган. Кенгашимиз бундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир йиғилишни: хоҳ у бюро йиғилиши, хоҳ у қуйи бошланғич ташкилотлар йиғини бўлсин, партия фаоллари иштирокисиз ўтказилмайди. Айниқса И. Сайфуллаев, Н. Латипов, А. Ҳотамов, Т. Саломова сингари кўпни кўрган, жангоҳ ва жангоҳ ортида мардона курашган фахрийларимиз ҳақиқий кўмакчиларимиз, маслаҳатчиларимиз саналишади.

— Охирги, анъанавий савол бу кенгашнинг иқтисодиёти, молиявий аҳволи ҳақида. Қани, айтингчи кенгаш бозор муносабатлари даврида қайси ҳисобдан фаолият кўрсатаяпти?

— Одилона савол. Ҳозир ҳаммани, жумладан кенгашимизни ҳам маблағ, даромад манбаи қизиқтиради. Бу ўринда ҳам силжишлар бор. Имкони борича изланиб, интилиб, маблағ топишда, оз бўлса-да, тажриба тўплаганмиз. Яхши биласиз, ҳозирги шароитда биргина бадаллар тушуми ёхуд юқоридан берилган ёрдам билан тўлиқ фаолият кўрсатиб бўлмайди. Ана шу молиявий тангликдан келиб чиқиб биз кенгаш ҳузурида 3 ойлик ҳисобчилик курслари ташкил этдик. Бултур бу курсни 200 дан ошиқ йигит-қизлар битириб чиқишди. Эндиликда шу курс ҳузурида менежер, маркетинг (воситачи, тадбиркор ишбилармонлар) пуллик курсини очаяпмиз. Бунинг учун Евроурал тижорат-воситачи мактаби билан шартнома тузилган. Шунингдек, кенгаш ҳузурида иқтидор жамғармаси очилди. Хуллас буларнинг ҳаммаси молиявий аҳволни ўнглаш, иқтисодиётни тиклаш мақсадини ўз ичига олади. Бунинг устига «Қирғоқ» кичик корхонамиз ҳам фаолият кўрсатаяпти. У ҳам даромад манбаи демакдир.

Суҳбатдош:
Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Партия ва ҳаёт

БЕШ МИНГИНЧИ АЪЗО

Сиёб туманидаги 2-болалар боғчаси мудираси Гулбаҳор Турақулова Самарқанд шаҳар партия ташкилотининг беш мингинчи аъзоси бўлди. Умуман, шаҳар партия кенгаши уз сафини эътиқодли, илғор кишилар билан бойитиш борасида ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Яқинда Самарқанддаги электромеханика заводида «Мустақиллик, жамият ва партия» мавзуида учрашув утказилди. Унда шаҳар фахрийлари кенгаши раиси Баҳриддин Нуриддинов, Сиёб туман маҳаллалар оқсоқоллари кенгаши раиси Саъдулла Шарипов, шаҳар партия кенагашининг биринчи котиби Ш. Темиров тўпланганларга мустақилликнинг қадр-қиммати ҳамда уни янада мустаҳкамлашда партия аъзоларининг вазифалари хусусида фикр юритдилар.

Завод директори Ориф Рустамов, ишчилардан Фарҳод Абдураҳманов, Мунира Шариповалар Президентимиз сиёсати ва Узбекистон ХДП олиб бораётган ишларни қўллаб-қувватлаётганларини айтдилар. Учрашувда корхонанинг 9 нафар ишчи-хизматчисига партия билетлари топширилди. Корхонада бошланғич партия ташкилоти тузилди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУҲОКАМАДА ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Узбекистон Халқ демократик партияси Миробод тумани кенгаши фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда биринчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси якунларидан келиб чиқадиган партия фаолларининг вазифалари тўғрисидаги масала кўрилди.

Ушбу масала юзасидан Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати А. Алимбоев маъруза қилди.

Фаоллар йиғилишида туман ҳокимининг муовини М. Абдукаримов, Узбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Л. Ғуломов иштирок этди ва сўзга чиқишди.

Р. КУШЕВА,
ЎзХДП Миробод туман кенгаши котиби.

Каттақўрғон тумани ўрмон хўжалиги ходимлари 141 гектар майдондаги табиий дарахтзорларни меҳр билан парваришламоқдалар. Бунинг устига 50 гектар майдонда боғ-роғлар яратишган. Ҳозир ана шу боғларда айни пишиқчилик. Етиштирилган ҳосил пешма-пеш йиғиб-териб олиниб, эл дастурхонига етказиб берилмоқда.

СУРАТЛАРДА: хўжалик илғорларидан Наргиза Сафарова, Салтанат Сафарова ва Дилфуза Узоқова.

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган суратлар.

Қишлоқда ислоҳот қандай бормоқда?

ХУСУСИЙ СУПЕРМАРКЕТ ОЧГАН АЁЛ

Шу йил август ойи ўрталарида Фарғонага ватанимиз мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан Тошкентдан тарғиботчилар гуруҳи келди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши йўлланмаси билан водийга келган ушбу гуруҳнинг Учкўприк туманидаги учрашувларидан бирида туман ҳокими Акрамжон Йўлбарсов:

— Бир ажойиб тадбиркор опамиз борлар. Мустақиллик байрами кунлари хусусий супермаркет очиш ниятида юрибдилар. Бирров кўриб кетмайсизларми? — деди.

Ҳозирги пайтда кичик бир дўкон қуриш анча-мунча бақувват ишбилармоннинг ҳам белини майиштиради. Аёл боши билан хусусий супермаркет қуриш... Бунинг устига қишлоқ шароитларида...

Ҳокимнинг таклифи бизни қизиқтириб қўйди. Шу тариқа М. Деҳқонов номли жамоа хўжалигига йўл олдик. Тарғибот гуруҳи аъзоларини жамоа хўжалиги марказидаги ҳашаматли, миллий нақшлар билан безатилган бинода опанинг ўзлари кутиб олдилар. Насимахон Турсунхўжаева анчадан буён савдо соҳасида меҳнат қилади. У «Узбекистон Республикаси матлубот кооперацияси аълочиси» нишони билан ҳам мукофотланган. Бўлгуси супермаркетда катта тайёргарлик ишлари кетаётган экан. Бу ерда бажарилаётган иш қўламининг миқёсини кўриб ҳайратландик. Зеро, барча қулайликларга эга бундай йирик савдо марказини ҳатто катта шаҳарларда ҳам саноқли десак лоф бўлмас.

Истиқлол байрами кунлари қишлоқдаги супермаркет тантанали суратда очилди. Ҳозир бу савдо масканида кунига юзлаб кишилар ўзларига зарур буюмларни топадилар. Унда Хива ва Нукус гиламлари, турли мамлакатларнинг телевизор, радио, видеоаппаратуралари, газламанинг ўзидан 120 тури бор. Ҳатто бахмалнинг Самарқандда ишлаб чиқарилган уч туридан тортиб, чет эл бахмаллари, Қўқон, Марғилон, Бухоронинг шундай газламаларини харид қилиб оласиз. Уй-рўзғор учун зарур бўлган барча ашёлар мавжуд. Шу ернинг ўзида челак, кастрюл сингари буюмларнинг олти-етти хили бор. Қишлоқ хўжалик ва тижорат бўлимларида 44 хил озиқ-овқат маҳсулоти, шунингдек жўхори, гуруч, мош ва бошқа ўнлаб мева ва сабзавот маҳсулотлари териб қўйилган. Умуман, супермаркетнинг мавжуд 6 та бўлимига 1,5 минг турдан зиёд моллар қўйилган.

— Қишлоқ супермаркети ўз номини оқлаяпти, — дейди Насимахон Турсунхўжаева, — дастлабки кунлардаёқ 100 минг сўмдан ортиқ савдо қилинди. Аҳолига 23 тонна ун, кўп миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Биз туманда улгуржи-чакана савдо базасини очдик. Гумбаз қишлоғининг гузаридан супермаркетнинг филиалларини ташкил қилмоқчимиз. Мамлакатимиз Президенти Фармонларига мувофиқ икки йилгача солиқ тўлашдан озод қилинганмиз. Бундан ташқари хорижий давлатларга чиқиш имконига эга бўлдик. Зеро, эл отаси одил, савдогари сахий бўлган, юрт обод бўлур, дейдилар. Биз юртимизни келажаги буюк, обод ҳолда кўриш учун куч-ғайратимизни аямаймиз.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳосил — 95

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Қизилтепа туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалигининг Мавжуда Шарипова етакчилик қилаётган бригадаси заршунослари Навоий вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажардилар.

Хўжаликнинг кўриқ ерларида деҳқончилик қилаётган чўлқуварлар бригадаси аъзолари 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил кутардилар. Ғалабадан руҳланган жамоа аъзолари ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга азми-қарор қилишди.

Ш. МУЗАФФАРОВ.

ШОЛИ ЎРИМИ БОШЛАНДИ

Бултур Музробот тумани шоликорларининг ишдан думоғи қуйди: сув, ўғит бўлмади. Оқибатда шоли тайёрлаш режаси 35-40 фоиз атрофида ўлда - жўлда бўлиб қолганди.

Туман деҳқончилик саноати уюшмаси раиси Раҳматилла Худойбергановнинг айтишича, бу йил ҳосил яхши. Шоликор хўжаликларининг банк билан муомаласида муаммо кўп бўлди. Шунга қарамай шоликорлар яхши ишладилар.

— Ҳосилни чумчуқдан сақлаб қололсак гектаридан 40 центнердан ҳосил оламиз, — дейди Ат-Термизий номли жамоа хўжалиги раиси Ш. Худойбердиев, — фақат 39 комбайнинг 23 таси эҳтиёт қисм йўқлигидан носоз турибди. Уни олайлик десак банкдан қарзимиз катта. Ҳозир ҳосил пишганда бизга вакил кўпаяди. Режани тезроқ бажар дейишади. Талаб яхши. Лекин талабга яраша амалий ёрдам бўлса ҳурсанд бўлардик.

Хўжаликда ҳозир 15 та комбайин тула қувват билан ишлатилмоқда. Туман шоликорлари бу йил 22 минг тоннадан зиёд ҳосил етиштириш ниятида ўрим-йиғимга киришдилар.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Прокурор назорати амалда

ХЎЖАСИЗЛИКДАН ЖИНОЯТГАЧА — ОРАЛИҒИ БИР ҚАДАМ

Жиззах вилояти Зомин туман прокуратурасида республика Президенти И. А. Каримовнинг ҳуқуқ-тартибот ва қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратилган Фармонларини ҳаётга татбиқ этиш борасида анча-мунча тажрибалар тўпланди. Бунга қандай эришилгани ҳақида мухбиримиз туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Ҳ. ТУРҒУНОВ билан суҳбатлашди.

— Ҳабибулла Турғунович, энг аввало, туман прокуратурасининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда бир ёқадан бош чиқариб кўзланган мақсадга қандай эришаётгани ҳақида гапириб берсангиз?

— Кейинги йилларда туманимиз прокуратураси жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашни кескин кучайтирди. Тартиб-интизом барқарор бўлишини таъминлаш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда фуқароларнинг манфаатлари, ҳуқуқларини пухта ҳимоялаш асосий мақсадга айланди. Жорий йилнинг ўтган давридаги фаолиятимиз якунлари ана шундан далолат беради.

Ишимизнинг самарадорлиги ўтган йиллардагига нисбатан сезиларли даражада ўсди. Бу эса фаолиятимизга баҳо беришда асосий мезон эканлигини таъкидлаш жоиз. Агар бевосита амалиётда, айтиб ўтилган вазифалар ечимининг ишончли ва синалган усулларидан гап очадиган бўлсак, мен биринчи навбатда умумий прокурорлик назоратини, унинг мунтазамлигини, масалалар доираси қамрови кенглиги ва таъсирчанлигини тилга олур эдим.

Прокурор назорати одатда турли соҳа мутахассислари ва жамоатчилик вакиллари жалб этилган ҳолда амалга оширилади. Улар ёрдамида корхона, ташкилот, муассасалар, тижорат тизимларининг ишлари текширилади. Бундан мақсад — уларнинг иқтисодий, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бошқа масалаларни ҳал этиш чоғида қонунчиликка риоя этишларини аниқлаш. Табиийки, бундай текширувлардан кейин ҳар гал тегишли хулосалар чиқарилади. Қонунларни айланиб ўтишга уринган ашаддий қонунбузарлар жиноий жавобгарликка тортишгача чоралар кўрилади. Биз бу текширишлар ҳақидаги якуний ҳужжатлар, йўриқномалар ва тавсияномаларни туман ҳокимлиги, текширилган тизимларнинг юқори органлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар эътиборига ҳавола этамиз. Бошқача айтганда, ошкоралик ақидаларига амал қиламиз. Шу билан бирга бизнинг хулосаларимиз баён этилган ахборотлар газеталар орқали, меҳнат жамоалари ва маҳаллалар аҳолиси билан учрашувларда жамоатчиликка етказилади.

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида биз умумий назорат тартибида 29 та текширув утказдик. Прокурор томонидан белгиланган чора-тадбирларнинг қаттиқ ва таъсирчанлиги туфайли уларнинг самарадорлиги ўтган йиллардагига нисбатан сезиларли даражада ошди.

— Ана шу таққослашингизни рақамлар тилига кўчирсак, аниқ мисоллар билан бойитсак қандай бўларкин?

— Тўғри айтасиз. Биз жорий йилнинг биринчи ярмида турли тоифадаги мансабдор шахсларнинг қарорларига 72 марта протест келтирдик. Сабаб?

Чунки бу қарорлар амалдаги қонунларимизга зид. Аксарият ҳолларда шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини чеклаб қўярди. Шу ўринда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан беш баравар кўп протест киритилганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Текшириш якунлари бизга прокурор чораларининг бошқа шаклларидан ҳам фойдаланиш зарурлигини курсатди. Масалан, биз қайси мансаб эгаси бўлишидан қатъи назар, ҳатто вилоят миқёсидаги раҳбарларгача қонун бузилишини зўлдик билан бартараф этиш ҳақида 44 та амрнома юбордик. 145 нафар турли погонадаги мансабдорлар, жумладан раҳбарлар ҳам ёзма равишда огоҳлантирилди.

Прокуратура шулар билангина чекланиб қолгани йўқ. Бизнинг қарор ва тақдимномаларга биноан у ёки бу камчиликка йўл қўйган шахслардан 118 нафари интизомий жавобгарликка, 33 шахс маъмурий жавобгарликка, 14 шахс моддий жавобгарликка тортилиб жазоландилар. 3 кишига нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Давлатга етказилган 76.200 сўмлик зарар моддий жавобгар ва мансабдор шахслардан ихтиёрий равишда ундирилди. Яна 10.000 сўмлик зарарни ундириш юзасидан туман судига даъво аризалари қўзғатилганки, булар ҳам яқин орада қонуний ҳал этилади.

— Ўтказилаётган текширишлар чоғида қайси хизмат соҳалари қамраб олиняпти. Текшириш ўтказиш учун қандай сабаблар асос бўлади. Сизларни у ёки бу тизим фаолиятининг қайси қирралари кўпроқ қизиқтиради?

— Текширишлар асосан режали амалга оширилади. Бироқ баъзан жойлардан тушган хабарларга биноан ҳам ўтказилади. Бизни кўпроқ қизиқтирган масалага келсак — у битта: юридик шахсми, жисмоний шахсми, биз учун барибир, қонунчиликка риоя этишни талаб қиламиз. Масалан, шу йил тумандаги «Ғолиб», «Оқар», «Зомин», «Чилонзор», «Ғалаба» ижара ширкат бирлашмаларида қишлоқ хўжалиги техникаси, минерал ўғитлар ва бошқа қимматли ресурсларни сақлашга қаратилган қонунларнинг бажарилиши текшириб кўрилганда қонун талаблари кўпол равишда бузилаётгани аниқланди. Масалан, «Ғолиб» ижара ширкатлар бирлашмаси бош муҳандиси С. Исмоилов, механизациялашган мелиоратив отряд бошлиғи А. Очилов, бош мироб М. Маматқулов, бригада бошлиғи Х. Дўстовларнинг айби билан тула ундирилиб, бирлашма раҳбари номига тақдимнома киритилди. Мазкур тақдимнома асосида С. Исмоилов, М. Маматқулов, Х. Дўстов ва А. Очиловларга хайфсан берилди. Шунингдек, «Ғалаба» ижара ширкатлар бирлашмаси раҳбари А. Холматов, бош ҳосилот К. Шомуродов ва омбор мудири А. Нортойлоқовларнинг бепарволиги сабабли 192 тонна аммиакли селитра Ульянов темир йўл станциясидан қарийб 5 ой давомида ташиб кетилмагани, қимматли ўғитлар очиқ ҳавода қолиб қисман нобуд бўлгани, оқибатда бирлашмага 2.995 сўмлик моддий зарар етказилгани аниқланди. Прокуратура айбдорлардан моддий зарарни ундириб олиш юзасидан туман судига даъво аризаси йўллади.

Бундай мисоллар оз эмас. Афсуски, бу текширишлар хўжаликлардаги қонун бузилишларинигина эмас, балки тумандаги назорат этувчи идоралар, жумладан, агросаноат уюшмасининг бепарволигини, уларига юклатилган вазифаларни бажаришга совуққонлик билан қараётганини ҳам кўрсатди. Шуниси ачинарлики, назорат этувчи идоралар юқоридаги масала юзасидан уз ташаббуслари билан бирон марта ҳам текшириш утказмаган.

Прокуратура ва бизнинг жамоатчи мутахассисларимиз нефть маҳсулотлари, табиий газ ва электр энергиясидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш масалаларига ҳам жиддий эътибор беришяпти. Очиғи, бу соҳада бир қатор корхоналар, ташкилотлар, ижара хўжаликларининг мансабдор шахслари томонидан жиддий камчиликларга йўл қўйиляпти. «Молгузар», «Лайлак уя» ижара бирлашмалари, Ульяново шаҳридаги 1-сон автотранспорт корхонасида енгинга қарши кураш қоидаларига мутлақо риоя этилмаган. Ваҳолонки, енгин балоси даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Текширувдан сўнг айбдорлар тегишли жазоларини олди. Э. Холматов номли ижара хўжалиги ёнилги-мойлаш материаллари омбор мудири М. Давроновга эса туман халқ суди Узбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 207-моддасига биноан 3 йил ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди. У йўл қўйган бепарволик, хўжасизлик туфайли давлатга катта миқдорда — 4,5 минг сўмлик зарар етказилганди. Етказилган зарар айбдордан уч ҳисса қилиб ундирилди.

— Оммавий ахборот воситалари аҳён-аҳёнда баъзи шаҳар ва қишлоқлардаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тариқасида ажратилаётган маблағлар бошқа мақсадлар учун ишлатиб юборилганини ёзишмоқда. Туманингизда шундай фактлар ҳам борми?

— Афсуски, учраб турибди. Бу борада ҳамма жойда ҳам аҳвол кўнгилдагидай эмас. Бир талай хатоликларни мисол қилиб келтириш мумкин. Лекин мен уларнинг энг характерлисини айтиб ўтмоқчиман. Жорий йилнинг биринчи чорагида кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш учун 2.293 минг сўм ажратилганди. Шу кезгача ушбу маблағнинг ярми ҳам сарфланмади. Гўё туманда ёрдамга муҳтож оилалар сони етарли эмас. Кошки эди амалда шундай бўлса!

Бундан ташқари айрим жойларда ёрдам пули кам таъминланган оилаларга эмас, балки узига тўқ оилаларга бериб юборилгани фактлари аниқланди. Масалан, «Тинчлик» қишлоқ фуқаролар йиғинида шундай ҳолат рўй берган. Бу ерда йиғин раиси ва котиби асоссиз равишда етти оилага 5750 сўм бериб юборишган. Ҳолбуки бу оилалар бундай ёрдамга муҳтож бўлмаганлар. Шунингдек, Тиғирик, Ширин, Навоий фуқаролар йиғинларида ҳам шу каби қонун бузилишлари қайд этилди. Ноўрин тўланган ва тайинланган ёрдам пулларини тўлаш прокуратура аралашуви билан тўхтатилди. Йиғин раислари ва котиблари қонун бузилишига йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирилди. Моддий ёрдам пулларини уз вақтида беришини таъминламаганлиги ва маблағдан тўғри фойдаланмагани учун жамғарма банки бошқарувчиси И. Ортиқмуродовга амрнома, назоратчи кассир Н. Сафаровга ёзма огоҳнома юборилди.

Узбекистон Республикаси Президентининг «Солиқ ва божхона тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши устидан назоратни янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижро этилишини мунтазам текшириб бораётганимизни алоҳида таъкидламоқчиман. Биз туман солиқ инспекцияси қарорларини мунтазам ўрганиб, таҳлил қилиб турамиз. Мабодо уларда қонунга зид ҳолатлар учраб қолгудай бўлса, бекор қилиш ҳақида прокурор дарҳол протест киритади. Ўтган давр мобайнида солиқ назоратининг қонунга зид, корхона, ташкилот ва фуқароларнинг ҳуқуқларини чекловчи 21 қарорига протест киритдик. Шулардан 14 таси вилоят солиқ бошқармаси томонидан тан олинди. Қолганлари кўриб чиқилмоқда. Солиққа тортиш соҳасидаги қонун бузилишига у ёки бу даражада дахлдор бўлган 12 банк ходими интизомий жавобгарликка тортилди.

Туманимизда деҳқон (фермер) хўжаликлари сони тобора кўпайиб боряпти. Уларнинг фаолияти ҳам прокурор назорати билан доимий қамраб олинган. Фермерлар ишини текшириш якунлари ҳар гал ҳокимликка етказиб турилибди. Бу фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини ошириш учун зарур чора-тадбирлар белгилашда муҳим роль ўйнаяпти. Бундан ташқари «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳақида»ги, «Ер ҳақида»ги қонунларнинг бажарилиши ҳамда республика ҳукуматининг жорий йилда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини йиғиштириш ва давлатга топшириш оид қарорларининг амалга оширилишининг назорат қилишни фаолиятимизнинг асосий мазмуни деб биламиз.

Умумий назорат тарзидаги бизнинг текширишларимиз буғдой, арпа, тариқ етиштирувчи бир қанча ихтисослашган хўжаликларни қамраб олди. Бу эса қатор хўжасизлик ва бепарволик фактларини, ҳатто донни ўғирлаш фактларини фош этишга кумаклашди. Масалан, «Молгузар» ижара хўжалигидан У. Маматов ва М. Муродов деган шахслар икки тоннага яқин тариқни омборга эмас, уз уйларига тушириш аётганда қўлга олинди. Уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Прокуратура узининг муҳим вазифаси қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботга риоя этилишини умумий назорат қилиш билан бирга аҳоли ўртасида кенг тарғибот ва тушунтириш ишларини ҳам олиб борянти. Кузланган мақсадга эришувимизда бу катта ёрдам берянти.

Суҳбатдош:
Норбобо ШАКАРОВ.

БУЛБУЛЛАРИ САЙРОҚ ЧАМАНДИР, УНИВЕРСИТЕТ – МЎЪЖАЗ ВАТАНДИР!

Ҳар бир халқнинг маданий ва маънавий ривожланиши даставвал унинг илм-маърифат даражаси билан белгиланади. Ўзбек халқининг шу кунги маданий-маънавий жиҳатдан юксак даражага кўтарилишида ва жаҳонга танилишида Тошкент Давлат университетининг хизмати ниҳоятда катта. Бу олий даргоҳ яқин даврларгача Ўрта Осиё университети (САГУ) номи билан машҳур бўлган. Унда бутун Марказий Осиёдан ва Яқин Шарқдан келган турли миллат вакиллари, хусусан, қозоқ классиги Мухтор Ауэзов, қирғиз ёзма адабиётини бошлаб берган Оло Тўрқонбоев, туркман прозасининг сардори Берди Кербобоев, Абдулла Қодирийни устоз деб билган Хидир Деряев каби жаҳон маданиятини бойитган шахслар таълим олишган. Уруш вақтида ва ундан кейинги даврда университет ректори лавозимида ишлаб, сўнг Тожикистон Фанлар академиясига президент бўлиб сайланган таниқли олим Султон Умаров ва машҳур академик Соли Ражабов каби тожик халқининг ажойиб фарзандлари ҳам шу даргоҳ талабаси бўлганлар.

80-йиллар ўртасида буюк адиб Чингиз Айтматов собиқ Иттифоқ матбуотида ўлкамиз тўғрисида гапириб, Византия Европа учун қандай роль ўйнаган бўлса, Ўзбекистон ҳам Марказий Осиёда шундай аҳамиятга эга, деб бежиз айтмаган.

Яқинда Ғарбий Африка мамлакатларидан бири Малидан бир мактуб олдим. Уни тарих факультетини тугатиб кетган, менинг

ЖАНГЛАРДА ТОБЛАНГАН, БИЛИМДА СИНАЛГАН

раҳбарлигимда диплом иши ёзган талабамиз Ламин Траоре ёзган. Мактубда у факультет домлаларидан миннатдорчилигини изҳор қилиб, этнографиядан Бамако университетида профессор унвонига муяссар бўлганлигини хабар қилади. Бу ҳам университетимизнинг обрўси деб биламан.

Ушбу хотираларимда мен узоқ Хоразм воҳасининг Тошҳовуз туманида яшаб, даҳшатли уруш туфайли ўқишини жувонмарг қилиб жангга жўнаб кетган ёки фронт орқасида меҳнат қилган баъзи ёшларнинг тақдири тўғрисида ҳикоя қилмоқчиман.

Ғалаба кунини қаҳрамон халқимиз зўр шодиёна билан кутиб олганда мен Тошҳовуз ўқитувчилар институтининг талабаси эдим. Ўша вақтда гимнастёркаси ҳарбий нишонларга тўла Матёқуб Қўшжонов ўқитувчилар институтига иккинчи курс талабаси бўлиб кирди. У мен билан бир партада ўтирарди. Матёқуб ўшанда 25 ёш эди. Мен эса энди 16 ёшда эдим.

Ўқишда ундан намуна олишга интилдим.

У тартиб-интизомлилиги, самимийлиги, дўстга садоқатлилиги, айниқса кенг ва теран билими билан бизга доимо намуна бўлиб келган. Яхши эсимда, ўзбек адабиётидан Минаввара деган истеъдодли ёш домла дарс ўтарди. Матёқубнинг мумтоз адабиётга оид мураккаб саволлари ҳали тажрибаси кам домлани кўпинча довдиратиб қўярди. Бошқа дарсларда ҳам курсдошим ўқитувчиларни ўзининг теран билими, донолиги билан ҳайратда қолдириб келган. Бир куни ундан: «Ўзинг бир қишлоқдан чиқиб, ўқишни чала ҳолда ташлаб фронтга жўнаб қачон шунча билимга эга бўла қолдинг?» деб сўрадим. У менга ёшликдан китобга қизиқишини ҳатто уруш йиллари ҳам бадиий адабиёт, журнал ва газеталарни ўқишни тўхтатмагинини айтиб берди.

Ҳамма аскар рюкзагида кийим-кечак, озиқ-овқат олиб юрса, у, оғир бўлса-да, китоблар солиб юраркан.

Ўзининг зўр иродаси ва ташкилотчилик қобилияти, фронтда тобланган заҳматкашлиги туфайли у дастлаб Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТошДУ) даги талабалик йилларида комсомолда, кейин партия ишларида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилди. 75 баҳорни кўрган бу инсон катта илмий ходимлик ва доцентликдан фан доктори, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзолигигача кўтарилди.

Тарих факультетини тугатиб, университет шон-шарафини кўтаришга ҳисса қўшган талабалардан Абдулла Сафаев ҳам фронтчи акаларимиздан ибрат олган. Атоқли иқтисодчи олим, профессор бўлиб етишган бу истеъдодли йигит ўқиш даврида фаол талабалардан бири бўлиб танилади. У ўз курсдошлари ичида биринчилардан бўлиб фан доктори унвонини олди. Қодир Эрназаров ва Отамурод Қўшжоновлар ҳам тарих фани ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Аҳмад ака билан Қодир Ашхобод ҳарбий-пиёда мактабида бирга ўқишган. Шу ердан тўғри фронтга жўнаб кетганлар. Қодир дўстим ҳам Аҳмад ака сингари ниҳоятда улфат, барча дўстлар тўпланган давраларни ўзининг шўх табиати, ҳамкорлиги ва сахийлиги билан безаб келган ажойиб инсонлардан.

Аҳмад Сафаев катта тилшунос олим эди. Унинг кўплаб илмий асарлари, ўқув қўлланмалари ва луғатлари ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Инсоний фазилатлари, буюк истеъдоди ва заҳматкашлиги билан халқимизнинг меҳр ва ҳурматига сазовор бўлган Аҳмад аканинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадул-абад сақланади.

Шундай қилиб, Тошҳовуздан чиққан бир гуруҳ қалби олов, ўткир зеҳнли ва заҳматкаш йигитлар аёвсиз жангларда ёки фронт орқасида меҳнатда тобланиб, илм-фан фронтида ҳам фидокорлик кўрсатдилар. Уларнинг ибратли, фаол ҳаёти ёшларга доимо намуна бўла олади.

Исо ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсаттан фан арбоби.

УСТОЗНИ ҚЎМСАБ

Ўтган давр ичида университетда фаолият кўрсатган, мустаҳкам имон-эътиқодли аллома ва педагогларнинг бир неча авлоди шарқона маънавий анъаналарга чуқур садоқат билан ёшлар тарбиясида, эл-юртда умуминсоний қадриятларни сингдириб бордилар, тарғиб қилдилар. Эндиликда Тошкент Давлат университетининг «Маърифат маскани», «Зиё маскани» деб аталишида бир қатор йирик алломаларимизнинг ҳиссалари каттадир.

Ўзининг бутун ҳаётини, серқирра иқтидорини юртимиз таълими, илми, маданияти ва маънавий тараққиётига тўла-тўкис бағишлаган улкан аллома ва элпарвар инсонлардан бири Саъди Ҳасанович Сирожиддинов эди. Бутун умрини университет билан боғлаган, бош чарағбонлардан бири сифатида унинг тараққиётига ғоят салмоқли ҳисса қўшган устознинг руҳлари олдида университетнинг тўйи муносабати билан миннатдор авлодларнинг таъзимини яна бир бор бажо келтириш фарздир, деб ўйлайман.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин олий мактабларга кирган талабалар таркибида уруш қатнашчилари, ёши ўтиб қолган кишилар анчагина эди. Университетнинг физика мутахассислиги гуруҳига «Математик таҳлил» курсидан дарс берувчи домламиз, уруш қатнашчиси Саъди Сирожиддинов ёши жиҳатидан ўз талабаларидан кўп фарқ қилмасди.

Гўзал нутқ соҳиби юзларидан табассум аримайдиган, бизлар билан доимо ширин ҳазил-мутойибага мойил домланинг ўхшатишларга, образли баёнида мавҳум ибораларга бой математик таҳлил курси биз учун жонланар, дарслар ажойиботлар дунёсига сафарга айланарди. Илм бобида гўр бўлган биз талабалар учун устознинг дарслари бир байрамдек эди.

Қирқ саккизинчи йилнинг декабрь ойи ўрталарида Саъди Ҳасанович дарсга биз билан машқ дарсларини олиб борадиган ўта мулойим, талабаларга меҳрибон опамиз Маъсуда Муҳамеджоновна Султонова билан бирга кириб келди. Чеҳралари одатдагидан жиддийроқ туюлди. Қўлларида тутиб турган қоғозни бизга кўрсатиб, фавқулоддa бир хабарни баён қилдилар: «Москвада бир домлам бор. Шу киши — академик А.Н.Колмогоров университетимиз ректорига ушбу хатни юборибди. Унда агар мен 1949 йил 1 январидан Москвага етиб бора олсам, муҳим бир математик муаммо устида биргаликда ишлашимизни ва унинг ечими фан, халқ хўжалиги учун катта аҳамият касб этишини айтибди. Бироқ, мен хижолатдаман. Чунки қишки имтиҳон мавсуми февраль ойида тугайди. Имтиҳонни сизлардан ўзим қабул қилишни, ўтилган курсни сизларга қанчалик яхши тушунтира олганимни билишни истардим. Мабодо сизлар илмий сафарга январь ойида боришимга розилик берсангиз, Маъсуда Муҳамеджоновна худди мен каби сизларни авайлаб имтиҳон қилишга ваъдалари бор. Лекин имтиҳонни ўзингиз олганингиз маъқул деб ҳисобласангиз мен ҳеч қаерга кетмайман ва ўзим имтиҳон оламан, Москвага кейинроқ борсам ҳам бўлаверади, илмий муаммо ҳеч қаёққа қочиб кетмайди». Шундан сўнг, домламиз бизнинг ҳукмимизни кутиб сукут сақлаб турдилар. Шу пайт уруш қатнашчиларидан бири, ҳаётий масалаларда доимо одил ечимлар топадиган курсдошимиз, зоминлик Ҳабибулла ака Ҳафизов ўринларидан ҳарбийларча кескин туриб, «Саъди Ҳасанович! Сиз албатта домлангиз кўрсатган муҳлатда Москвага етиб боришингиз лозим. Оламга машҳур академикнинг сизга бундай ҳурмати ва ишончи биз учун ҳам шараф. Биз эса имтиҳонни Маъсуда Муҳамеджоновнага топширамиз. Сизни хафа қилмаймиз», деди. Ҳабибулла аканинг дилимиздаги гапни айнан айтганлиги бизни хотиржам қилди.

Домла билан орамиздаги меҳр, муҳаббат шунчалик самимий эдики, сафар қанчалик фахрли ва қувончли бўлмасин, кутилаётган айрилиқ орамизга мунглилик, ҳазинлик ва жиддийлик пардасини туширгандай эди...

Университетни тугаллаган йилимиз (1953) Саъди Ҳасанович Москвадан докторлик диссертациясини ёқлаб қайтди. Келгусида юртимизнинг йирик алломаси ва давлат арбоби — академик, университет ректори, Фанлар академиясининг вице-президенти, Республика Олий Кенгашининг раиси, буюк инсоннинг порлоқ ҳаёти бошланишида, ҳали ёш йигитнинг бизларга нисбатан намойиш қилган юқори инсоний олижаноблиги талабалар хотирасида ўчмас из қолдирган эди.

Дейдиларким, бир — доноларнинг дуоси, бир-бегуноҳ гўдакларнинг дуоси мустажоб бўлгай. Билим ва илм бобида биз ўшанда чинакамига мурғаклар эдик. Шу сабабли биз — «Митти ботирлар»нинг қатта йўл бошида домламизга берган оқ фотиҳамиз тўлиқ мустажоб бўлган бўлса, ажаб эмас. Мана ҳозир бу воқеадан деярли ярим аср ўтгандан кейин ҳам ўша пайтда 28 ёшли йигитчанинг «Ўқув маромн намоз вақти каби илоҳий» ҳамда «Ўқув ва ўқитувнинг султони — Талаба» эканлигидан иборат мутлоқ ҳақиқатни ўзининг ҳаёт дастури қилиб олганлиги ҳайратга солади.

Эргаш НАЗИРОВ,
Тошкент Давлат университети «Физика ўқитиш услуби ва тарихи» кафедраси мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан халқ таълими ходими.

ТАДҚИҚОТЛАР – АМАЛИЁТГА

Маълумки, ҳозирги кунда Республикамизда фаол ишлаётган кўпгина институт ва илмгоҳлар Тошкент Давлат университетининг илмий, ўқув ва малакали кадрлари негизида ташкил топган. Жумладан ТошДУ қошидаги Амалий физика илмий-тадқиқот институти ҳам 1981 йил ташкил этилган. Қисқа вақт ичида кенгайиб, юқори малакали мутахассислар тайёрлаб, лабораторияларни замонавий қурилмалар, техника билан мустаҳкамлаб, республикада кўзга кўринган илмий марказга айланди. Унинг асосий илмий йўналишлари назарий, ядро, лазер ва қаттиқ жисмлар физикаси бўлиб, улар 12 та лабораторияни ўз ичига олган тўртта бўлим томонидан амалга оширилапти. Институтда фундаментал илмий ишлардан олинган натижалар монографияларда, дунё миқёсидаги илмий журналларда, халқаро конференция тўпламларида чоп этилиши билан бирга, ўнлаб йирик илмий ишланмалар халқ хўжалигида ўз ўрнини топди.

Тадқиқотларнинг амалиётга татбиғи тўғрисида тўлароқ билиш учун институт бўлимларида бажарилаётган ишларга тўхталмоқчимиз. Ядро физикаси йўналиши бўйича ишлаётган илмий бўлим республикада ягона электрон ва протон тезлатгичлар бетатрон СБ-50, микротрон МТ-22 С, МТ-22 Т, «Импульс-3С», ЭГ-2 комплексига эга бўлиб, уларда тезлатилган зарядланган заррачалар оқимининг моддалар билан ўзаро таъсири физикасини ўрганиб, бу қурилмалар қишлоқ хўжалигида, геология, материалшуносликда ҳам қўлланиб келиняпти. Илмий тадқиқотларимиз лазер нури билан пахта чигитини қайта ишлашда қишлоқ хўжалигида, лазер техникасида, саноатда, замонавий алоқа бўлимларида, ЭҲМда, тиббиётда ва бошқа хўжаликларда ишлатилиб келиняпти.

Институтимизда тиббиётда, экологияда ишлатиш мумкин бўлган ўқув қурилмаларини яратиш соҳасида бирмунча амалий ишлар бажариляпти. Одам бош миясида стереотаксин операцияларни ўтказиш учун мўлжалланган қурилма республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг нейрохирургия марказида синовдан ўтказилиб, муваффақиятли қўлланиб келинмоқда.

Тадқиқотларни амалиётга қўллашда лабораторияларни ўз вақтида узлуксиз равишда янгидан-янги қурилмалар, компьютерлар ва илмий ишлар учун керак бўлган бошқа шарт-шароит билан таъминланганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Мэлс БЕДИЛОВ,
ТошДУ қошидаги Амалий физика илмий-тадқиқот институтининг директори, профессор.



Бир калима сўз айтинг

ЎЗИМНИ ТОПИБ БЕРДИ

Туркистонда энг кекса ва йирик ўқув даргоҳларидан бири бўлмиш Тошкент Давлат университетида ишлаган ва таҳсил кўрганларни ҳисобласак... саноғига етиб бўлармикан? Собиқ Иттифоқ ҳудудини қўяверинг, ҳатто олис хорижий элларда ҳам бу мўътабар масканда ўқиб кетганлар ТошДУ ҳақида сўз кетса фахрланиб сўзлашлари тайин.

Биз эса университетнинг катта тўйи олдидан бир гуруҳ собиқ талабаларга:

«УНИВЕРСИТЕТ СИЗГА КАТТА САБОҚ, ИЛМУ МАЪРИФАТ БЕРГАНИ РОСТ. БАЛКИ ҲАЁТНИНГ ТАҚДИРИНГИЗГА БИТГАН КЎП ЧИГАЛЛИКЛАРИ ҲАМ ШУ ЕРДА ЕЧИЛГАН БЎЛСА АЖАБМАС. ЛЕКИН... АНА ШУЛАРДАН ТАШҚАРИ БУ ҚУТЛУҒ ДАРГОҲ СИЗГА ЯНА НИМАЛАР БЕРДИ?» дея мурожаат қилдик. Уларнинг жавобларини эшитинг:

Яйра САЪДУЛЛАЕВА, «Ғунча» журналининг бош муҳаррири:

— Худойим, ота-онам менга ҳаёт берган бўлса, университет ана шу ҳаётга мағиз бўлиб кирди. У томиримда оқаётган қонга, Ватанимга, халқимга, шу буюк Туркистонимга туганмас меҳр-муҳаббат ато этди.

Икром ОТАМУРОД, шоир:

— Менга... Ўзимни топиб берди!

Абдували ҚУТБИДДИН, шоир:

— Мен катта шаҳарга катта орзулар билан кириб келганман. Дорилфунуннинг салобати босарди бизни ўша маҳаллар. Ҳар нарсадан ҳайратланиш, таажжубланиш кучли эди. Ўзгача муҳит, ўзгача шароитга кўникиш оғир кечган. Умримнинг беш йили фақат меҳр ва сеҳр оламида ўтди десам янглишмайман. Юракда ўша пайтлари илк тоза туйғулар, меҳр-муҳаббатлар уйғонган.

Айниқса, Нажмиддин Комил, Ғайбулла ас-Салом, Сайди Умиров ва раҳматлик Талъат Солиҳов, Очил Тоғаев сингари ажойиб домлаларнинг сабоқларидан кўнглим тўлган. Энг муҳими, менга университет дунёни, ўзлигимни танишимда улкан ҳайрат берганидан унинг олдида бир фарзанд ва бир шогирд сифатида тоабад таъзимдаман.

—Амина ҚОДИРОВА, журналист:

— Мен университет орқали романтикадан реализмга ўтдим. У менга ўз кўнглим ва ақлим билан ҳисоблашишни ўргатди.

Рўзибой ҚЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон телевидениесининг бўлим мудири:

— Кўнгил ҳалиям Талабалар шаҳарчасига тортиб кетади. Эҳ-ҳе, кўп хотиралар қолди-да у ерда. Ёзсам ҳеч тугамайди. Бошқаларни билмадим, агар одамзотга икки марта умр қайтиб берилганда борми, мен яна ТошДУга кириб ўқирдим.

Маҳфуза ТОШЕВА, уй бекаси:

— Мен ўқишга келганимда 17 ёшли қизалоқ эдим. Математика факультетида таҳсил кўрдим. Нимасини айтасиз, университет менга биринчи ва сўнгги муҳаббатимни топиб берди. Ўқишни битирганимда оилам ва икки фарзандим бор эди. Тўғри, дипломим ҳалигача сандиқда. Лекин олган билимларим болаларимнинг дарсларига қўмаклашишда жуда асқотяпти.

Ҳамид ИКРОМОВ, журналист:

— Дўстим Рауф Парфи ўқиди-ю диплом олмади. Шунча йилдан бери нега шундай бўлганини ҳамон ўйлайман. Жавоби эса шу атрофда айланади: китоблари, билсам унинг дипломи экан. Ана сизга университет!

ҲАМДАМ, тижоратчи:

— Илтимос, фамилиямни айтманг. Тарих факультетини битирганман. Университет менга... диплом берди. Яна кўп ажойиб дўстлар орттирдим. Афсуски, шу соҳада бир йил ҳам ишлолмадим. Билмадим, ўқувим етмадими ё адашиб кирган эканманми, хуллас тижоратчи бўлиб кетдим. Ҳозир яшашим яхши. Барибир гоҳида ўзимча мағрурланиб қўяман. Чунки шундай катта жойда ўқидим. Катта қозонда қайнадим. Бундан фахрланаман...

Телефонда Норқобил ЖАЛИЛ гаплашди.

Сабоқдошлар

Ҳаммамиз ҳам ёшликнинг гўзал палласини талабаликка бағишлаганмиз. Ўша «олтин даврда шўхлик , шаддодлик, эркалик ярашган.

Ҳазил-мутойибага йўғрилган қуйидаги битиклар ҳам бебошлик кунлардан қолган из. Уни бизнинг журфакдагилар жиддий тушунмасинлар. Кулиб-кулиб ўқинг, устозларим. Мен ҳам кулиб-кулиб ёздим...

САМАРҚАНДНИНГ ШЎРДАНАГИМИ? ЙЎҚ, БУХОРОНИКИ

Имтиҳон бошланган кунлар эди. Иккинчи курсни битиряпмиз. Навбатдаги синов — ўзбек тилидан. Аудиториянинг олдида ҳаяжонланиб ўтирсак Шукур келиб қолди. Қўлидаги қоғоз идишга нимадир солиб олган.

— Нима у, шоир? — сурадик.

— Қишлоққа боргандим. Шурданак бериб юборишди. Шундан озгинасини олволдим.

Унинг бу саховатлилиги айниқса қизларга ёқиб тушди.

— Шурданак еб маза қиларканмиз-де! Қани бўлмаса ўртага қўйинг-чи. Таъмини тотайлик бизам. Имтиҳон бўлса, бир гап бўлар.

— Йўқ, — деди Шукур орқага тисарилиб. — Мен уни домлага олиб келганман.

Тўғриси, бу жавоб барчанинг ҳафсаласини пир қилди. Айрим «эркатойлар» аразлагандай ҳам бўлишди. Лекин бизнинг кўнгилда шумлик уйғонганидан бошқалар бехабар эди.

Буни ҳулонинг ўзи етказди. Имтиҳон бошланишига саноқли дақиқалар қолган. Шу тобда Шукур газли сув ичмоқчи бўлганини айтиб, қоғоз тўрвани Бахтиёрга узатди.

— Баққи, шуни ушлаб тур, жўра. Бу дунёда сендан бошқа ишончли оғайни йўқ. Сув ичаману келаман.

Шукур аудиториядан чиқиб-чиқмай муаллимамиз келиб қолди.

— Қани, истовчилардан тўрт нафари қолсин. Бошқалар ташқарида навбат кутинглар.

Опанинг гапидан сўнг Бахтиёрга шипшидим:

— Ё қол, ё шурданакни бер!

У дарров вазиятни баҳолади.

— Боравер. Бу ёғини ўзим тўғрилайман.

Ҳақиқатдан «тўғрилади». Шукур сув ичиб келгунча мақтай-мақтай домлага шурданакни берди.

— Татиб кўринг, опа. Мозорбости. Бухородан олиб келганман. Буни ўзимиз тайёрлаймиз...

Домла бу мурувват, эътибордан эриб кетди. Бахтиёрга «5» қўйилди. Эшикдан энди чиқаётувди Шукурга рўбару келди. Қулоғига пичирлади:

— Ҳаммаси жойида. Айтиб қўйдим.

Шоирга шу керак эди. Бирдан ўзини аудиторияга урди. Қўлида билет. Икки кўзи шурданакда.

— Ўтирмай жавоб беролмайсизми?

Домланинг бу гапини Шукур ўзича тушунди.

— Мен тайёрман!

Тўғриси, Шукур шундан бошқа суровли гап айтолгани йўқ. У ёққа айлантирди бўлмади, бу ёққа айлантирди бўлмади. Охири ёрилди:

— Опа, шурданак қандай экан?

— Бухороники булади-ю мақтамай илож йўқ!

У бир зум бошини қимирлатиб турди-да, ялинчоқ оҳангда деди:

— Уни Самарқанддан олиб келганман. Ўзимиз тайёрлаганмиз.

Атрофдагиларнинг пиқ-пиқ кулиши домланинг жаҳлини чиқарди. Ва «Биринг Бухороники дейсан, унинг Самарқандники. Ол шурданагингни. Мен қишлоқ хўжалик ходимига дарс берганим йўқ. Баҳонг «икки», дея қоғоз халтани отиб юборди. Бизлар эса олдимизга тушган шурданакни териш билан овора эдик...

ЯХШИЯМ ЎҒЛИ БИЛАН...

Тарих муаллимимиз ўн беш минутга кечикди.

— Кетамиз энди. Домла келмайди чоғи.

Шу аҳду паймон билан аудиториядан энди чиққандик, келиб қолсалар бўладими. Изимизга қайтдик.

— Кечирасизлар, — деди домла изн сураб. — Ўғилчамни ёнимга олибману ўн беш минут мизғиб қолибман. Ўшанга кечикдим.

Дарров сийпаловчилар бу ёғини силлиқлай кетди:

— Зарари йўқ. Сизни кутаётгандик. Ташқарида ўтирмоқчи бўлгандик.

Мен эса доим ўтирадиганим-охирги парталда турдим.

— Домла, шунчалик келибсиз, сизга раҳмат. Агар ўтлингизнинг онаси билан ухлаб қолганингизда нима қилардик, бизлар?

Бўлди кулги, бўлди қийқириқ.

— Сен имтиҳонни топширдинг. Тарихни яхши биларкансан — деди домла кулгидан ёшланган кўзини арта-арта. — Энди келиб юрма. Ўғил боланинг гапи битта бўлади.

Ҳақиқатдан гапи битта бўлди.

Журфакнинг домлалари ана шунақа. Мард!

Қурбон АЛИ,
«Ўзбекистон овози» газетасининг Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими мудири.

БАХТИМ БОРКИ...

Тошкентдаги 1-педбилим юртида ўқиб юрган кезларим мен ҳам шу даргоҳга кириб ўқишни орзу қилардим. Аммо билим юртини битирганлар Ўзбекистон Маориф вазирлигинингкўрсатмасига кўра энг камида икки йил қишлоқда ўқитувчилик қилиши шарт эди. Шу боис камина ҳам 1941 йилларда Тошкент вилоятдаги 19-етти йиллик мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси ҳамда мактаб илмий-бўлим мудири бўлиб ишладим. Энди университетга кириш ҳаракатида юрганимда уруш бошланди. Кўплар қатори мен ҳам армия сафига чақирилдим ва ўрта маълумотли бўлганим учун Алматидаги ҳарбий билим юртига қабул қилиндим. Ўша вақтда Москва ҳимояси учун қаттиқ жанглар борарди. Бизни Москва томон олиб кетишди. Аммо ўқитувчи бўлган 30 дан ортиқ ўзбекни Ўзбекистонга қайтаришди.

Ниҳоят, Тошкентга қайтгач, Сағбон кўчасидаги 24-етти йиллик (ҳозирги Л. Б. Шастри номли) мактабда бошланғич синфларда дарс бера бошладим. Бўш вақтимда олий ўқув юртига кириш учун тайёргарлик кўрардим. Бахтимга 1942 йили университетда ўзбек филологияси бўлими ташкил этилди. Жиддий тайёргарликдан сўнг ўқишга кирдим. Группамизда бор-йўғи 14 талаба эдик. Аммо ҳаммамиз дарсни қолдирмай, Эски шаҳардаги ҳозирги Амир Темур хиёбонининг рўпарасидаги ғиштин иморат биносига кўпинча пиёда етиб келардик. Ҳатто, баъзи домлаларимиз ҳам трамвай бўлмай қолганда яёв қатнашарди. Топилмаган китоб, қўлланмаларни бир-биримиз билан алмашиб ўқирдик. Айниқса, курсдошларимдан Сарвар Азимов, Ғани Жаҳонгиров, Омон Ҳидоятов, Машрабжон Ортиқҳўжаев, Ёқубжон Ғуломов, Убай Бурҳонов, И. Раҳматиллаева, О. Шарипова ва бошқалар бирор соат ҳам дарс қолдирмасликка ҳаракат қиларди. Чунки бизга билим бераётган домлаларимиз жуда ҳурматга сазовор кишилар эди. Ўзбек тили тарихидан дарс берган москвалик олим В. Боровков серзавқ суҳбати билан студентларни ҳайратга соларди. Ўзбек адабиёти тарихидан Абдураҳмон Саъдий, М. Шайхзода, рус адабиётидан В. Маков, чет эл адабиётидан Ҳамид Сулаймон, диалектика ва материализм сабоқларидан М. Бобоев, ҳозирги замон ўзбек тилидан Аюб Ғуломов, адабиёт методикасидан Х. Убайдуллаев, З. Мирҳожиевлар сабоқ берардилар. Айниқса, Аюб Ғуломнинг дарс бериши ўзига хос эди. У аудиторияга тўғри кириб келарди-да, ўтган мавзуни сураб ўтирмасдан лекцияни бошлаб юборарди. Унинг кийинишидан тортиб, хушмуомалалиги, дарс беришдаги ўзига хос ҳаракатлари бизни ҳайратлантирарди.

Етти фарзанднинг отаси, 28 набирасининг бобоси бўлсам-да, лекин шогирдларимнинг раҳбар ҳодим ва олимлар бўлиб етишганидан қувонаман.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
Республикада хизмат кўрсаттан халқ таълими ходими.

Эҳтиром

ШОИРНИНГ ҚАДРИ

Қардош Тожикистоннинг Ғончи туманидаги Мужун қишлоғида яшаб ижод қилаётган ширинкалом шоира Зулфия Бобоева таваллудининг 40 йиллигига бағишлаб шеърият байрами ўтказилганлиги ўзбекистонлик ижодкорларни ҳам ғоят қувонтирди.

Байрам тонгида қишлоқ чорраҳасига гул каби яшган қуйидаги сатрларга кўз югуртирар экан, ҳар бир мужунликнинг қалби фахр ва ғурурга тўлган бўлса ажаб эмас. Бу сатрлар бизнинг ҳам кўнгилимизга нур бўлиб кирди:

Мен яшаш истайман,
маслагим буюк,
Гуллар ўстираман
ўнгу сўлимдан.
Хоҳлаганда эзиб
ташласин бу юк.
Зулматга бандлик
келмас қўлимдан.
Исбот керак бўлса
ўйланманг агар,
Бу йўллар куттувчи
одамга тўлди.
Зулфия десангиз
ҳамма кўрсатар
Мужунга бир
келиб кетсангиз бўлди.

Қилинган саъй-ҳаракатлар беҳуда бўлмади. Шеърият байрамига Тошкент, Душанбе, Хўжанд, Бекобод, Нов, Исфара, Ўратепа, Боёвут, Янгиер ва бошқа кўплаб шаҳарлардан азиз меҳмонлар ташриф буюрдилар.

Анжуманга Ғончи тумани ҳокимлиги, хусусан, туман ҳокими Абдумалик Қаюмов бош-қош бўлди. Зулфия Бобоева яшаб ижод қилаётган «Победа» давлат хўжалиги раҳбари Мамажон аканинг: «Зулфияхоннинг битта шеърига бир боғимизни тортиқ қилсак арзийди, ахир олтин чиққан жойида қадрлидир» дея ҳотамтойлик билан иш тутганлиги Мужунда шоирнинг, шеърнинг қадри қанчалар баланд эканлигига ишора бўлди.

Қисмат Зулфия опани аяғани йўқ, уни кўп қийнади. Ўттиз йилдирки, биз севган шоира аёвсиз дард билан олишади. Унинг дарди шеърга айланади, қувончи қанот чиқариб кўкка учади. Ҳисобли дунё дейдилар. Ҳаёт ўзи берган азоблари эвазига Зулфия Бобоевага ўтлуғ муҳаббат, бетакрор истеъдод, чегараси йўқ бардош ва куч инъом этган. Унинг Ҳуринисодек, Ортиқжон опадек ғамхўрлари, Муаззамхон опа Сиддиқовадек эътиборли, оқибатли дўстлари кўп. Зулфия Бобоева меҳмон кутишдан, меҳмон кузатишдан, уларга ширин сўз айтишдан, маслаҳат беришдан чарчамайди. Бундан бир неча йил олдин шу давлат хўжалиги меҳнаткашлари тақдим қилган шоира ижодхонаси бугун чинакам маънавият ўчоғига айланди десак сира муболаға эмас.

Байрам сўнгида Зулфия Бобоева янги шеърлар ўқиди.

Бу хотиржам ва сокин овоз зарбидан, шеър сеҳридан Мужуннинг майсалари суюнгандек, энди ранг ола бошлаган кузги олмалари тиниқлашгандек, давра ўртасидаги ҳовуз бирданига жонланиб кетгандек туюлди бизга.

Илойим, эллик, олтмиш, юз эллик тўйларида ҳам Зулфия Бобоева билан юз кўришиш шеърият мухлисларига насиб этсин деб ният қилдик.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Турмуш чорраҳаларида

КЎРМАЙИН БОСДИМ ТИКОННИ...

Ўшанда Моҳигул мактабда «аъло» баҳоларда ўқир, келажакда шифокор бўлишни орзу қиларди. Бу соҳибжамол қизга қишлоқ аёллари ҳавас билан қарар, ўқишни битирган йилиёқ уни келин қилишни орзу қилишарди. Йигитларни-ку қўяверинг, йўлида интизор бўлишди. Лекин Моҳигул ҳеч кимнинг «юрак сўзлари»га жавоб бермас, севгини тан олмасди. Севги фақат китобларда-ю, киноларда деб ўйларди у. Бир куни келиб ўзи ана шундай ёниб турган чўғдек севгига мубтало бўлишини, аммо бу ёниб турган «чўғ» уни бир умр қийнашини, изтиробга солишини хаёлига ҳам келтирмасди.

... Ўшанда 9-синфда ўқирдик. Моҳигул тўсатдан шамоллаб, бир қанча вақт шифохонада ётди. Хасталикнинг асорати борлиги сабабли у анча вақтгача шифохонага қатнаб, даволаниб юрди. Қизиғи шундаки, буткул тузалгандан кейин ҳам у шифохонага қатнашни канда қилмайдиган бўлиб қолди. Бунинг сабабини ҳеч ким билмасди. Қишлоқда эса Моҳигул Ойбек фельдшер билан «юрармиш» деган гап тарқалди. Аммо бундай миш-мишларга кўпчилик ишонмас, шундай соҳибжамол қизнинг иккинчи хотини билан яшаётган Ойбекни севиб қолганлиги ҳеч ақлга сиғмасди.

Муҳаббатнинг кўзи кўр бўлади, деб тўғри айтадилар. Дунёга келиб шундай севсанг ёки шундай севилсангки, сенга атрофингдаги инсонлар ҳам, осмондаги тўлин ой ҳам, зуҳро юлдуз ҳам ҳавас билан қараса! Ўйлаб кўринг, қишлоқда қанчадан-қанча йигитлар бўлса-ю, Моҳигул Ойбекни севиб қолса. Аммо, бу ҳақиқат эди.

Ойбек биринчи хотини Гулбаҳор билан икки йилча яшади. Лекин фарзанд кўришмади. Гулбаҳор билан орани очиқ қилиб олгандан сўнг уч ой ўтмасданоқ Наргизага уйланди. Улар ширидан-шакар икки фарзанд кўришди.

Шу воқеаларни қаламга оларканман, Моҳигулнинг изтироб ва кўз ёшлари билан битилган «Хотира» дафтари кўлимга тушиб қолди.

«... Ўшанда баҳор эди, — деб бошлайди Моҳигул ҳикоясини. — Чор - атроф кўм-кўк, довдарахтлар эса келинчаклардек оппоқ либосда. Барчанинг юраги баҳор севинчи билан тўлган...

Бир куни Ойбек мендан: «Севган йигитингиз борми»? деб сўраб қолди. Нима деб жавоб беришни билмай лол эдим. Чунки, шу кунга қадар бирорта йигит юрагимни «жиз» этиб ёндирган эмас эдида. «Йўқ»! жавобини эшитгандан сўнг у менга бошқа кўз билан қарай бошлади. Севги, муҳаббат ҳақида кўп гапирадиган бўлди. Баъзан ана шундай «ширин» суҳбатларимиз соатлаб давом этар, ҳаётимиз бир умр ана шундай лаззатли бўлиши хаёлимни чулғаб оларди. Лекин... Нима учун суҳбатимиз айнан муҳаббат ҳақида бўлишини ўзим ҳам тушунмасдим. Негадир Ойбекнинг олдига боргим келар, оёқларим мени унинг ишхонаси томон судрарди. Уни кўришим биланоқ бор вужудим билан энтикардим. Аммо, юрагимда қандайдир муз парчаси борлигини ҳис этардим. Ҳа, Ойбек мени тамоман ўзига «боғлаб» олганди. Аммо, унинг хотини, икки фарзанди борлигини ўйласам дунёга келганимдан пушаймон бўлардим. Оҳ, она табиат нақадар бешафқатсан. Худойимнинг ўзи бу дунёни бир кам қилиб яратган экан. Нега, нега шундай экан? Нега мен Ойбекни олдинроқ сева олмадим. Мен Ойбексиз бир кун ҳам яшайолмайман-ку. Уйда ҳам, дарсда ҳам унинг хаёли, унинг юраги менинг вужудимдан ўрин олган.

Бугунги кунга келиб, ўшанда ким айбдор эди деб сўрасалар юрагим қинидан чиқиб кетадигандек потиллайди. Чунки ўшанда ўзим енгилтаклик қилганман. Адашганда ҳам шундай адашган эканманки, буни бир умр тузатиб бўлмас.

— Ўшанда 8 Март байрами эди. Ойбек менга зарур иши борлигини айтди. Мактабдаги байрам тугаши биланоқ, унинг ишхонасига бордим. У байрам муносабати билан икки кишилик дастурхон тайёрлаган экан. Дастурхонда барча нозу неъматлар, ичимлик ҳам бор эди. Мен ичмаслигимни айтиб, ундан узр сўрадим. Аммо у байрам муносабати билан қадаҳ олишимни илтимос қилиб «жаврарди». Унинг раъйига қарши боролмай биринчи қадаҳни олдим. Кўз олдим қоронғулашиб, бошим айлана бошлади. Негадир хурсанд бўлардим. Бу хурсандчилигимнинг охири эса даҳшат билан тугашини хаёлимга ҳам келтиролмасдим. Шундан сўнг иккинчи, учинчи... қадаҳни ҳам олдим.

Кўзимни очдиму, ҳаётимнинг тамом бўлганини тушундим. Баданим зирқираб оғрир, бошим айланарди. У эса менга қараб йиғлар, бу воқеани ота-онамга айтмаслигимни илтимос қиларди. Бир ой ичида у хотинига жавоб бериб, менга уйланишини айтгандан сўнггина мен бунга рози бўлдим.

Наҳотки ўшанда унинг ширин сўзларига ишондим. Уни ота-онамдан устун қўйдим. Нега дўстларимнинг маслаҳатларига қулоқ солмадим? Бугун эса афсусдаман, аммо бефойда. Чунки энди жуда кеч...

Уйга йиғлаб келдим. Ҳеч ким йўқ экан. Ҳамон бошим оғрир, қайт қилгим келарди. Ахир нима иш қилиб қўйдим. Энди нима бўлади, агар у менга уйланмаса-чи? Мени ана шундай саволлар қийнарди.

Ўша «қора» кун содир бўлганига ҳам бир ой бўлди. Лекин Ойбекдан садо чиқмасди. Дарс тугаши биланоқ мен унинг ишхонасига бордим. У ер менга худди ўз комига тортаётган «аждаҳо»дай туюларди. Ойбек мени кўрдию, жаҳли чиқди. У ҳар доим мени мулойим табассум билан кутиб олар, ширин муомалада бўларди. Мени кўриши биланоқ ўзини қўярга жой тополмай эсанкираб қоларди. Мен содда эса унинг бу хушомадларига тушунмас эканман. Иккинчи марта ишхонасига қайтиб келмаслигимни айтиб Ойбек мени ҳайдаб юборди.

Тамом!!! Мен алданган эдим. Ҳаётим худди «чинни пиёладек» чил-чил синган, ўзимни ортиқчадек ҳис этардим. Бўлиб ўтган воқеани кимга ҳам айта олардим. Ким мени тушунади? Ахир ҳаммасига ўзим сабабчиман-ку. Тунда мовий осмонда юлдузлар чарақласа, менинг юрагимда қора чироқ ҳам ёнмасди. Нима қилай?

Йўқ, ҳаёт ўз маромида давом этар экан. Дунёда кимдир биринчи муҳаббати билан бир умрга бахтли бўлади, кимлар эса... Мен ҳам ана шу кимнингдир бири эканман. Инсон ҳар бир нарсага кўникади. Ўрта мактабни битирганимизга бу йил етти йил бўлади. Мактабни битирган йилиёқ олий ўқув юртига ўқишга кирдим. Иккинчи курсга ўтганимдан сўнг узоқ шаҳарлик курсдош йигитга турмушга чиқдим. Аммо, ҳамон виждон азобида қийналаман. Наҳотки, наҳотки мен ўшанда алданганман?! Шу кунга қадар бир неча синфдош дўстларимизнинг «висол тўйлари» бўлди. Лекин мен бундай «висол оқшомларининг» бирортасига ҳам қатнашганим йўқ. Чунки бунга ўзимни лойиқ деб ҳисобламайман.

Ўшанда кўра-била туриб чақиртиконни босдим. Энди бу тиконнинг азобини ҳам ўзим тортмоқдаман»...

Моҳигулнинг дард билан тўлган «Хотира»си шундай тугаганди.

Азиз муштарийлар! Мен ўйлай-ўйлай воқеани ўз ҳолича қоғозга туширдим. Буни ўқиб айрим сингилларимиз мендан хафа бўлишлари мумкин. Лекин, бу келгусида ким учундир сабоқ бўлар деб ўйлайман.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

Жамғарма банки

ОМОНАТЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ 1995 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН БИР ҚАТОР ОМОНАТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ФОИЗ СТАВКАЛАРИНИ ОШИРДИ ВА ҚУЙИДАГИЧА БЕЛГИЛАДИ:

талаб қилиб олинадиган омонат бўйича — йилига	40%
муддатли омонатлар бўйича — 1 йилдан 3 йилгача — йилига	60%
— 3 йилдан 5 йилгача — йилига	90%
— 5 йилдан юқорисига — йилига	120%
мақсадли болалар омонати бўйича — йилига	120%
кўрсатувчига бериладиган омонат — йилига	40%
"Капитал" омонати бўйича — ойига	10%
"Капитал-Люкс" омонати бўйича — ойига	10%

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ

ШИФОХОНАЛАР, ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛАР ВА БАРЧА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

"АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА ТАБОБАТ" фирмаси СИЗЛАРГА ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН 300 ДАН ОРТИҚ ДОРИ-ДАРМОНЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

АГАР СИЗГА ОШҚОЗОН-ИЧАК, ТЕРИ-ТАНОСИЛ, ЮРАК, ҚОН-ТОМИР, ЖИГАР, БУЙРАК, АСТМА ВА АСАБ ХАСТАЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛ КЕЛАДИГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР ЗАРУР БЎЛСА ФИРМАМИЗГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

ФИРМАМИЗГА ДУНЁНИНГ БАРЧА ҚИТЪАЛАРИДАН ТУРЛИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР КЕЛТИРИЛМОҚДА.

Сиз фирмамиздан *"Термед"* (Германия), *"Стерлинг Хелс"* (Буюк Британия), *"КРКА"* (Словения), *"Берингер Ингельхайм"* (Австрия), *"ЦИЭХ Польфа"* (Польша), *"Эссекс Кеми АГ"- "Шеринг Плау"* (АҚШ), *"W Robertson Co LTD"* (АҚШ), *"Гедеон Рихтер"* (Венгрия), Россия, Украина каби жаҳондаги энг йирик фармацевтика ишлаб чиқариш фирмаларида тайёрланган дори-дармонларни, шунингдек, ошқозон-ичак яраларига шифо ато этувчи *"Зантак"*ни, қаттиқ оғриқни қолдирувчи *"Сольфадеин"*ни харид қилишингиз мумкин.

ШОШИЛИНГ, СИЗГА ЗАРУР БЎЛГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР, МАЛҲАМЛАР ФИРМАДА ИСТАГАНЧА ТОПИЛАДИ. УЛАР ҲАМ АРЗОН, ҲАМ СИФАТЛИ.

Фирма сотувдаги барча дори-дармонлар сифатини ва таъсир кучини кафолатлайди. Савдо-сотик пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Фирма манзили:

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси, 1-а уй (метронинг "Ғафур Ғулом" бекати).

Телефонлар: 44-24-34, 40-44-83, 40-48-06.
Факс: 40-48-53.

Спорт

ФУТБОЛ ҲАФТАЛИГИ

• **ФАРҒОНА. Мамлакатимизда футболнинг ривожланишига Фарғонада асос солинган, десак муболаға бўлмас. Чунончи, бу ерда илк марта ўтказилган расмий учрашувда собиқ Скоблев — Фарғона футболчиларининг голиб келганига 80 йил тўлди.**

Шу муносабат билан Фарғонада футбол ҳафталиги уюштирилди. Мухлисларга катта қувонч бахш этган ҳафталик дастурига вилоят кубоги учун финал учрашуви ҳам киритилган эди. Уйинда Қоратепанинг «Ситора» жамоаси Қувасойнинг «Цементчи» футболчиларини 4:0 ҳисобида енгди. Шунингдек, ишқибозлар генерал-майор Комилжон Ғафуров хотирасига бағишланган анъанавий мусобақанинг ҳам шоҳиди бўлишди. Бу учрашувларда фарғоналик динамочилар бош совринни қўлга киритишди. Узига хос футбол байрами мухлисларда яхши таассурот қолдирди.

УСТОЗНИ ЁД ЭТИБ

• **ТОШКЕНТ. Мамлакатимиз таниқли футболчилари ва мутахассислари юртимизда чарм тўп ўйинининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб ажойиб шогирдлар тайёрлаётган Маъруф Акбаров номини ҳурмат билан тилга олдилар.**

«Чигатой» спорт масканида 1981 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида ташкил этилган анъанавий мусобақа, бу сафар халқаро тус олди. Мусобақада Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикалари, шунингдек, Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилояти жамоалари иштирок этдилар. Хотиравий мусобақанинг ҳал қилувчи учрашуви Тожикистон ва «Тошкент-2» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Учрашув мезбонлар фойдасига (3:1) ҳал бўлди.

ЯНГИЕРДА ШУНДАЙ МАСКАН БОР

Уловидан тушови қиммат деганларидек, чўлқуварлар кўп йиллардан бери енгил автомашиналарига керакли ҳужжат олишдан ташвишланиб келишарди. Эллик, олтмиш километрлаб йўл босиб боргандан кейин ўша куни қабул соати бўлсаю, навбатлари келса хўп-хўп. Аксинча бўлсачи? Яна ёзнинг жазирамасидан, қишда эса қаҳратоннинг аччиқ совуғидан азият чекишиб, бошқа сафар ишдан қолиб бўлса-да, ҳужатларини чиқариб келишарди. На чора бусиз техникани бошқариш мумкин эмас. Қонун барчага баробар.

Ҳайдовчиларнинг омади бор экан. Сирдарё вилояти ва Янгиер шаҳри ҳокимликлари ташаббуси билан Гулистон томондан Янгиер шаҳрига кираверишда қаровсиз ҳолда ётган бинони туманлараро рўйхатга олиш ва имтиҳон қабул қилиш бўлинмасини вужудга келтиришди.

Бинони таъмирлашни эса милиция майори Сайдулла Отажонов ўз зиммасига олди. Ҳашпаш дегунча бинонинг ички ва ташқи томонлари шарқ меъморчилиги усулида пишиқ ғишт ва мармар тошлар билан қайта тикланди. Қурган кишининг кўзи қувнайди. Атрофларига турли-туман мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Ички ишлар ходими Сайдулла Отажонов ана шундай кенг қамровли мутахассис. Шунинг учун у меҳнат қилган ишхона атрофи ҳамиша сўлим боғ-роғларга айланмоқда. Унинг сўнгги йилларда Оқолтин туманида ДАН бошлиғи бўлиб ишлаган пайтдаги фаолияти фикримизга мисол бўла олади. У 1974 йил Сирдарё вилоят ички ишларида оддий йўл назоратчилигидан иш бошлаган. Шу орада сиртдан ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди. Олий маълумотли бўлиб етишди. Отаси Муҳаммади ака эса қирқ йилдирки, чўлқуварларнинг азиз ўғил-қизларига билим беради. У фарзандларига етарли таълим-тарбия бера олганидан хурсанд.

Эл яхшиликни унутмас

Қуш уясида кўрганини қилади деганларидек Сайдулланинг укалари Бахтиёр, Баҳодир, Содиқжон, Музаффар ва ўғли Улуғбеклар унинг изидан бориб, ички ишларда хизмат қилишяпти.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида Сайдулла Отажоновдек уддабуронларнинг ишлари ўнгидан келаверади. Шундай қилиб чўлнинг қоқ ўртасида туманлараро қайд қилиш ва имтиҳон олиш бўлинмасининг ҳашаматли биноси қад кўтарди. Айни кунларда бу маскан хизматидан янгиерликлар, ҳовосликлар, ширинликлар, меҳнатободликлар мамнун бўлишяпти.

— Энг асосий ишларни амалга ошириб бўлдик, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳозир ҳеч эп эмас. Биз ички ишлар ходимлари ҳам давр талабига жавоб беришимиз лозим, — дейди милиция майори С. Отажонов, — Келиб-кетувчилар учун биринчи қаватдан ошхона очамиз. Бунинг учун барча имконият етарли.

Касб-коримиздан қатъи назар қани энди ҳаммамиз ҳам, фақат истеъмолчи бўлиб қолмасдан, Сайдулла Отажоновдек яратувчи-бунёдкор бўлганимизда эди, ҳаётимиз янада фаровон бўлармиди? Халқимиз бахтига ана шундайлар омон бўлишсин.

Нурмамат АЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КВАНТ — ГЛОБАЛ —

янги имкониятлардаги авиасервис

Тошкентда МДҲнинг ҳамма шаҳарлари, Россия авиакомпаниясининг барча рейсларига авиачипталарни сотиш кассалари очилди.

КВАНТ — ГЛОБАЛ —
Домодедово бирлашмасининг ваколатхонаси ва Россия ҳаво йўллари бош агентлиги.
Тел: 33-29-49.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

АЙБИНИ БЎЙНИГА ОЛДИ

ҚУВА ШАҲРИДА истиқомат қилувчи Н. Тешабоевнинг жасади топилди. У чап кўкрак қисмидан ўқ отар қуролдан жароҳатланган экан. Прокуратура тергов ҳаракатларини олиб бораётганди. Қочиб қутилишига кўзи етмаган Бурибоев деган кимса келиб, айбини бўйнига олиб, ўзида бўлган ТОЗ-8 қирқма милтиқни прокуратурага топширди.

ТЕКИНТОМОҚ

МУҚАДДАМ УЧ маротаба судланиб, «ўтириб чиққан» Данғара туманлиги Исроил ишлашни, меҳнат қилишни ўзига ор деб билди. Чунки у бир умр текинтомоқлик билан ҳаёт кечирган эди-да.

Қарангки, у яна жиноятга қўл урди. Нафақахўр Х. Йўлчиевни сабабсиз уриб ўлдирди. Исроил қилмиши учун ҳисобга олинди. Унинг устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

«ТЎР»ГА ИЛИНДИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ва Боғишамол туман прокуратуралари ҳамкорликда ўтказган тадбирлардан бирида олғир кимса қўлга тушди. У туман солиқ инспекциясининг нозири Э. Жононбекдир. Нозир туман «тез ёрдам» хизмати врачи Надеждадан нақд 2000 сумни олаётганида «тўрга» илинди.

БАҲОСИ ЧИҚДИ

БУҲОРО ПЕДАГОГИКА университетининг домласи талабалардан имтиҳон олишнинг ўзига мос йўлини ўйлаб топди. У талабаларнинг билимига эмас, чўнтагини текшириб баҳо қўядиган усулни оммалаштирмоқчи эди. Аммо прокуратура ва ички ишлар идоралари ходимлари бунга йўл қўйишмади. Доцент 3-курс толиби А. Ҳасановдан имтиҳон учун 1500 сум пулни пора тариқасида олаётганида тумшуғидан илиниб қолган.

ТЕГИШЛИ ЖОЙИГА ЭЛТИБ ҚЎЙИЛДИ

МУҚАДДАМ ЎҒИРЛИК қилиб судланган, анча-мунча тажриба орттирган Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманлик Исмоил Солиев нафақахўр Н. Омонов хонадонига кириб, ўғирлик қилаётганида қўлга тушди. У уй эгасидан қутулиш мақсадида ёнидан пичоғини чиқариб, Нишон отага 8 маротаба урди. Сўнг қотил оғир жароҳат етказиб, воқеа жойидан қочади. Кўп ўтмай И. Солиев қонун посбонлари томонидан ушланиб, тегишли жойга элтиб қўйилди.

ТАНИШИНИНГ ЖАСАДИ

ОҚДАРЁ ТУМАНИДАН оқиб ўтадиган «Қорадарё»дан ялангоч аёл кишининг жасади топилди. Қонун посбонлари жасадни кўздан кечиришиб, қотилнинг изига тушдилар.

Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи отбоқар Руслан терговда таниши Алёнани ўлдириб, жасадни сувга ташлаганлигини бўйнига олди.

Муҳамадали ТОШТЕМИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг бўлим прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарининг ўринбосари, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон Олий Мажлисидаги ХДП расмий фракцияси аъзоси Эркин Аъзамовга отаси **Нормамат АЪЗАМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни жамоаси концернинг давлат йўл назоратчиси Воҳид Нормаматович Аъзамовга отаси **Нормамат АЪЗАМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0382.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.